

Тафҳин Шариф Тамсайд туманининг биринчи мусулмон мери этиб тайинланди



14:54 / 30.05.2023 1422

Жорий йилнинг 13 май куни британиялик муслима аёл Манчестер шаҳри Тамсайд туманининг биринчи мусулмон мери этиб тайинланди. Бу ҳақда aboutislam.net манбаси хабар берди.

Бу муслима аёл Тафҳин Шариф бўлиб, у ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. Ҳозирда суд соҳасида судья бўлиб ишлайди. Тафҳин Шарифнинг сиёсий карьераси 2012 йилда бошланган. Лейбористлар партияси аъзоси сифатида ўтмишда Bedfordshire полиция комиссари ўринбосари бўлиб ҳам ишлаган, дея хабар беради Daily Pakistan.

«Мен «Tameside»нинг илк мусулмон мери бўлганимдан ва 2024 йил 1 апрель кунига қадар ваколатим муддати мобайнида округ ўзининг 50 йиллигини нишонлашидан ғурурланаман», дейди Тавҳин Шариф. — Мен учрашувим жараёнида бу ердаги аҳоли меҳмондўст, одамлар гўзал фазилатларга эга эканлигини ҳис қилдим. Тумандаги барча аҳолини таништириш ва масъул бўлиш мен учун катта шарафдир. Мақсадим фуқаролик мери сифатида ўз ишим ва мажбуриятларимни иложи борича мазмунли қилиш, бошқаларни йўналтириш ва илҳомлантириш, айниқса ёшлар учун намуна сифатида хизмат қилиш ҳамда кўпчилик учун эшикларни очиб, гуллаб-яшнаётган жамоаларимизни бир-бирига

яқинлаштириш.

Тафҳин Шариф ким?

Тафҳин Шариф ўзининг сиёсий фаолиятини 2012 йилда кенгашнинг энг ёш аъзоси бўлганидан бошлаган. Ҳозирда у мернинг ўринбосари, шунингдек мактаб раҳбари ва хайрия ташкилотининг ишончли вакили.